



Ислом Нури

Ва айтар эдилар: **«Яҳудлар сизларга бирор нарсада саломингизга ва имом ортидан «Омиин» дейишингизга ҳасад қилганларидек ҳасад қилмаган.»**

«Фотиҳа»дан кейинги қироатлари

Росуллоғ соллаллоғу алайҳи ва саллам «Фотиҳа»дан кейин бошқа бир сура ўқир, гоҳо узунроқ ўқисалар, гоҳида сафар ё йўтал ё касаллик ё эса гўдакнинг йиғиси каби бирор монельлик туфайли қисқароқ ўқир эдилар.

«...»

Анас ибн Молик розияллоғу анҳу айтадилар: **«Бир куни Росулulloғ соллаллоғу алайҳи ва саллам бамдодда энгил қироат қилдилар. (Бошқа бир ҳадисда: бамдодда Қуръондаги энг қисқа икки сурани ўқидилар.) Шунда: «Ё Росулulloғ соллаллоғу алайҳи ва саллам, нега бунча энгил намоз ўқидингиз?» деб сўралганда: «Бир гўдакнинг йиғисини эшитиб, онаси биз билан намоз ўқиётганмикин, деб ўйладим-да, онасини тезроқ бўшатишни хоҳладим», деб жавоб бердилар.**

«...»



Ислом Нури

□□□□□ □□□□□□□□))

Ва айтар эдилар: **«Мен узунроқ ўқийман, деган ниятда намозни бошлайман, ёш боланинг йигисини эшитиб қолсам, унинг йигиси туфайли онаси қаттиқ безовта бўлишини билганимдан намозимни енгил қиламан.»**

Бир суранинг бошидан бошлаб, кўпинча уни охиригача тўла ўқирдилар.

□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ :□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□))

Айтар эдилар: **«Ҳар бир сурага рукуъ ва сужуддан ўз улушини беринглар.»**

□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□) □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ :□□□□ □□□□)

Бир лафзда: **«Ҳар бир сурага бир ракъат.»**

Гоҳо бир сурани икки ракъатга тақсимлар, гоҳо битта сурани иккинчи ракъатга ҳам тўла қайтариб ўқирдилар.

Гоҳида бир ракъатда икки ва ундан ортиқ сурани жамлар эдилар.

«Ансорлардан бир киши Қубо масжидида имомлик қилиб берар, ҳар сафар намозда («Фотиҳа»дан сўнг) бирор сурани ўқишдан олдин «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқиб, шундан сўнг бошқа сурани ўқир, ҳар бир ракъатда шундай қилар эди. Биродарлари унга бу ҳақда гапириб: «Сиз шу сура билан бошлайсиз, сўнг уни кифоя деб билмай, яна бошқа сурани ўқийсиз. Ё шуни ўзини ўқинг, ё эса уни қўйиб бошқасини



Ислом Нури

ўқинг» дейишди. У: «Мен буни ҳаргиз тарк қилмайман, хоҳласанглар шу билан имомликка ўтаман, хоҳламасанглар сизлар(га имом бўлиш)ни тарк этаман» деди. Уни ўзларининг ичида энг афзал кишиларидан деб кўришгани боис бошқаси имом бўлишини истамадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар ҳузурига келганларида бу ҳақда у зотга хабар бердилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: **«Эй фалончи, нега биродарларинг айтган ишни қилишни истамайсан, нима сабабдан ҳар бир ракъатда ушбу сурани маҳкам тутасан?»** деб сўрадилар. У: «Мен бу сурани яхши кўраман» деб жавоб берди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Уни яхши кўришинг сени жаннатга киритди»**, дедилар.

Бир-бирига ўхшаш ва бошқа сураларни бир ракъатда жамлашлари

«Муфассал»дан ўхшашлари орасини жамлар, «Ар-раҳмон» ва «Ан-нажм» сураларини бир ракъатда, «Иқтаробат» ва «Ал-ҳааққо» сураларини бир ракъатда, «Ат-тур» ва «Аз-зарият» сураларини бир ракъатда, «Иза вақоъат» ва «Нун» сураларини бир ракъатда, «Са-ала» ва «Ан-назиат» сураларини бир ракъатда, «Вайлул лил-мутоффийн» ва «Абаса» сураларини бир ракъатда, «Ал-муддассир» ва «Ал-муззаммил» сураларини бир ракъатда, «Ҳал ата» ва «Ла уқсиму биявмил-қияма» сураларини бир ракъатда, «Амма ятасаъалун» ва «Ал-мурсалат» сураларини бир ракъатда, «Духон» ва «Изаш-шамсу куввирот» сураларини бир ракъатда ўқиганлар.

Гоҳо «узун еттиликлар»дан бўлган суралар ўртасини бир ракъатда жамлар ҳам эдилар, мисол учун тунги намозларида «Бақара», «Нисо» ва «Оли Имрон» суралари орасини жамлаганлар.



Ислом Нури

«*Намознинг афзали қиёми узун бўлганидир.*»

Айтар эдилар: **«Намознинг афзали қиёми узун бўлганидир.»**

Агар «*Ана шу зот (Аллоҳ) ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?!*»

оятини ўқисалар: «*Албатта қодирдир, Сени поклайман (эй Парвардигор)*» дер,

«*Энг Олий зот бўлмиш Парвардигорингиз номини покланг*» оятини ўқисалар: «*Энг Олий зот бўлмиш Парвардигорим номини поклайман*» дердилар.

«Фотиҳа»нинг ўзи билан чекланишнинг жоизлиги

Муоз розияллоҳу анҳу Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга хуфтонни ўқиб қайтгач, асҳоблари билан (имом бўлиб) яна ўқир эди. Бир кеча қайтиб келгач, асҳоблари билан намоз ўқиди, намозхонлар орасида [Бану Салама қавмидан Сулайм номли] бир йигит ҳам бор эди. Намоз чўзилиб кетгач, ҳалиги йигит [бурилиб, масжиднинг четида] ўзи намоз ўқиди ва ташқарига чиқиб, туясини жиловидан ушлаб жўнаб кетди. Намоздан сўнг Муозга бу ҳақда айтишганда у: «Бу йигитда мунофиқлик бор экан, мен унинг бу ишини албатта Росулulloҳга хабар бераман» деди. Ҳалиги йигит: «Мен ҳам унинг қилган ишини Росулulloҳга хабар бераман» деди. Эртасига Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордилар ва Муоз йигитнинг қилган ишини айтиб берди. Йигит: «Ё Росулulloҳ, бу сизнинг олдингизда узоқ қолиб кетади, сўнг қайтиб боргач, бизга (намозни) узоқ ўқийди» деди. Шунда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сен бездирувчимисан, эй Муоз?!»** дедилар ва йигитдан: **«Эй жиян, сен ўзинг қандай намоз ўқийсан?»** деб сўрадилар.



Ислом Нури

Йигит: «Сураи «Фотиҳа»ни ўқийман, Аллоҳдан жаннатни сўрайман, дўзахдан паноҳ тилайман, мен сизнинг данданангизни ҳам, Муознинг данданасини ҳам тушунмайман» деди. Шунда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Менинг ҳам, Муознинг ҳам гапимиз шу икки нарса ҳақида** (яъни, жаннатни сўраш ва дўзахдан паноҳ тилаш ҳақида)», дедилар. Душман яқин келиб қолгани ҳақида хабар олинган ҳолат эди. Йигит деди: «Яқинда душман (қаршимизга) келганида Муоз (менинг мунофиқ эмаслигимни) яхши билиб олади.» Душман келиб жангга киришгач, йигит шаҳид бўлди. Жангдан кейин Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоздан: «Менинг ва сенинг хусуматчимиз нима қилди?» деб сўрадилар. Муоз: «Ё Росулulloҳ, – Аллоҳ рост айтди, мен эса ёлғончи бўлдим, – у шаҳид бўлди» деди.

Беш маҳалги ва бошқа намозларда қироатни ошкор ва махфий қилиш

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бамдод намозида ҳамда шом ва хуфтоннинг аввалги икки ракъатида қироатни жаҳрий қилар, пешин ва асрда ҳамда шомнинг учинчи ва хуфтоннинг охириги икки ракъатида махфий қилар эдилар.

Махфий қироат қилган пайтларида саҳобалар у зотнинг қироатларини соқолларининг қимирлашидан ва гоҳо оятни эшиттириб қўйишларидан билишарди.

Жума, икки ҳайит, истисқо (ёмғир сўраш), кусуф (ой ё кун тутилиши) намозларида ҳам қироатни жаҳрий қилар эдилар.

Тунги намозда қироатни жаҳрий ва махфий қилиш

Тунги (таҳажжуд) намозларида эса гоҳо махфий, гоҳо ошкор қироат



Ислом Нури

ўтаётганимда паст овозда намоз ўқиётган экансиз?» дедилар. Абу Бакр: «Ё Росулulloҳ, ўзим муножот қилаётган Зотнинг Ўзига эшиттирдим» деб жавоб бердилар. Умарга: «Сизнинг ёнингиздан ўтганимда баланд овозда намоз ўқиётган экансиз?» дедилар. Умар: «Ё Росулulloҳ, баланд овоз билан уйқудагини уйғотаман ва шайтонни қувийман» дедилар. Шунда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Бакр, сиз овозингизни сал кўтаринг. Эй Умар, сиз овозингизни сал пасайтиринг» дедилар.»

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ :□□□□ □□□□
□□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□
□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□)

Ва айтар эдилар: **«Қуръонни жаҳрий ўқувчи садақани ошкора қилувчи одам каби, Қуръонни махфий ўқувчи махфий садақа қилувчи одам кабидир.»**

Намозларида ўқиган сура ва оятлар

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларида ўқиган сура ва оятлар беш вақтдаги ва бошқа намозларга қараб фарқ қилади:

1) Бамдод намози:

Бамдод намозида «Муфассал»нинг узунларидан ўқир эдилар, гоҳо икки рақъатда «Ал-воқеа» ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар.

«Ҳажжатул-вадоъ»да «Тур» сурасидан ўқидилар.

Гоҳо «Қоф» ва шу каби сураларни биринчи рақъатда ўқир эдилар.



Ислом Нури

Гоҳо «Муфассал»нинг «Изаш-шамсу куввирот» каби қисқаларидан ўқир эдилар.

Бир марта ҳар икки ракъатга «Иза зулзилат»ни ўқидилар, ҳатто ровий: «Билмадим, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унутиб шундай қилдиларми ё қасддан ўқидиларми», дейди.

Бир марта сафарда «Қул аъувзу бироббил-фалақ» билан «Қул аъувзу бироббин-нас»ни ўқидилар.

□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ :□□□ □□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□
□□□□) [□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□] □□□□□□□□□□□□□□□□□□□□
□□□□ □□□□ □□□□□ □□□□□)

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳуга: **«Намозингда икки «Қул аъувзу»ни ўқигин, [ҳеч бир паноҳ тиловчи уларга ўхшаши билан паноҳланмаган]»** деганлар.

Гоҳо булардан анча катта бўлган сураларни ўқир, «олтмиш оят ва ундан кўпроқ ўқир эдилар», ровийлардан бири: «Билмадим, бир ракъатдами, икки ракъатдами» дейди.

«Рум» сурасини, гоҳо «Ёсин» сурасини ўқир эдилар.

Бир марта Маккада бамдод намозида «Мўъминун» сурасини бошладилар, ҳатто Мусо ва Ҳоруннинг ёки Ийсонинг зикри (ровийлардан бири шак қилган) келганида йўтал тутиб қолиб, рукуъга бордилар.

Гоҳо (бамдодда) имом бўлиб, «Ас-соффаат»ни ўқир эдилар.



Ислom Нури

Жума куни бамдодда «Алиф, лом, мим ас-сажда»ни [биринчи ракъатда, иккинчи ракъатда эса] «Хал ата алал-инсан»ни ўқир эдилар.

Биринчи ракъатда (қироатни) узунроқ, иккинчи ракъатда қисқароқ қилар эдилар.

Бамдоднинг суннатидаги қироатлари

Бамдоднинг икки ракъат суннатидаги қироатлари жуда енгил бўлар, ҳатто Оиша розияллоҳу анҳо: «Сураи «Фотиҳа»ни ўқидилармикин» дер эканлар.

Гоҳо биринчи ракъатда «Фотиҳа»дан сўнг «**سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ**» оятини охиригача, иккинчи ракъатда «**سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ**» оятини охиригача ўқир эдилар.

Кўпинча унинг ўрнига «**سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ**» оятини охиригача ўқир эдилар.

Баъзан биринчи ракъатда «Қул я айюҳал кафирун»ни, иккинчи ракъатда «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар.

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ
سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ :**سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ**
سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ :**سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ**)

Бир кишининг биринчи ракъатда (мазкур суралардан) биринчи сурани ўқиётганини эшитиб: «**Бу Раббига иймон келтирган бандадир**» дедилар, иккинчи ракъатда иккинчи сурани ўқиган эди: «**Бу Раббини таниган бандадир**» дедилар.



Ислом Нури

2) Пешин намози:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввалги икки рақъатда «Фотиҳа»ни ва биттадан сура ўқир, биринчисида иккинчисидан кўра узунроқ ўқир эдилар.

Гоҳо пешинни узоқ ўқир, ҳатто «пешин намозига иқомат айтилгач, бирор киши Бақиъга бориб, ҳожатини адо этар, сўнг [уйига бориб] таҳорат қилиб келар, шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узоқ ўқиганларидан ҳали биринчи рақъатда бўлар эдилар.»

У зот бу ишлари билан одамларнинг биринчи рақъатга етиб олишларини истардилар, деб гумон қилишарди.

Ҳар бир рақъатда ўттиз оят миқдорича – «Алиф, лом, мим танзил ас-сажда» миқдорича қироат қилар эдилар.

Баъзида «Вас-самааи ват-ториқ», «Вас-самааи затил-буруж», «Валлайли иза яғша» ва шу каби сураларни ўқир эдилар.

Кўпинча «Изас-самааун-шаққот» ва шу кабиларни ўқир эдилар.

Пешин ва асрда у зотнинг қироатларини соқолларининг қимирлашидан билар эдилар.

Охирги икки рақъатда «фотиҳа»дан кейин оятлар ўқишлари

Кейинги икки рақъатни аввалгиларининг тенг ярмича – ўн беш оят миқдорича қисқа қилар, кўпинча «Фотиҳа»нинг ўзи билан чекланар эдилар.



Ислом Нури

Баъзан уларга оятни эшиттирар эдилар.

У зотдан «Саббиҳисма роббикал-аъла» ва «Ҳал атака ҳадийсул-ғошия»ни нағма (оҳанг билан ўқиш)ларини эшитишар эди.

Гоҳо «Вас-самааи затил-буруж» ва «Вас-самааи ват-ториқ» каби сураларни ўқир эдилар.

Гоҳо «Вал-лайли иза яғша» каби сураларни ўқир эдилар.

3) Аср намози:

Аввалги икки ракъатда «Фотиҳа» ва биттадан сура ўқир, биринчисида иккинчисидан кўра узунроқ ўқир эдилар. У зот бу ишлари билан одамларнинг биринчи ракъатга етиб олишларини истардилар, деб гумон қилишарди.

Икки ракъатнинг ҳар бирида ўн беш оят миқдорида – пешиннинг аввалги икки ракъатида ўқиганларининг ярмича миқдорида ўқир эдилар.

Кейинги икки ракъатни аввалги икки ракъатнинг ярмига тенг миқдорда қисқартирар эдилар.

Ва уларда «Фотиҳа»ни ўқир эдилар.

Баъзан уларга оятни эшиттирар эдилар.

«Пешин намози»да айтиб ўтганимиз сураларни ҳам ўқир эдилар.



Ислом Нури

4) Шом намози

Ушбу намозда гоҳо «Муфассал»нинг қисқа сураларини ўқир, асҳоблар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиб, салом берганларидан сўнг улардан бировлари найза (отса у)нинг тушган ўрнини кўрадиган ҳолда қайтар эди.

Сафарда иккинчи ракъатда «Ват-тийни ваз-зайтун»ни ўқиган эдилар.

Баъзи пайтларда «Муфассал»нинг узун ва ўрта сураларини ўқир, гоҳо «Аллазийна кафару-у ва содду-у ан сабийлиллаҳ»ни, гоҳо «Ват-тур»ни, охирги ўқиган намозларида эса «Вал-мурсалот»ни ўқиганлар.

Гоҳо икки узун суранинг бири бўлмиш «Аъроф» сурасини икки ракъатда ўқиганлар.

Баъзан «Анфол» сурасини икки ракъатда ўқиганлар.

Шомнинг суннатидаги қироатлари

Шомдан кейинги суннатда эса «Қул я айюҳал кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар.

5) Хуфтон намози

Аввалги икки ракъатда «Муфассал»нинг ўрталаридан ўқир, гоҳида «Ваш-шамси ва зуҳаҳа» ва шу каби сураларни ўқир эдилар.

Гоҳо «Изас-самааун-шаққот»ни ўқиб, сажда қилардилар.

Бир марта сафарда биринчи ракъатда «Ват-тийни ваз-зайтун»ни ўқиган эдилар.



Ислом Нури

Ушбу намозда қироатни узоқ қилишдан қайтарганлар:

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу асҳобларига хуфтон намозини ўқиб, чўзиб юборганида ансорлардан бир киши намоздан бурилиб, ўзи алоҳида ўқиди. Муозга бу ҳақда айтилганда: «У мунофиқ экан» деди. Ҳалиги одамга бунинг хабари етгач, у Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириб, Муознинг гапини айтиб шикоят қилди. Шунда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Муозга:

«يَا مُؤَذِّبُ أَتَىكَ النَّاسُ بِمِثْلِ مَا تَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ وَتَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ»
«يَا مُؤَذِّبُ أَتَىكَ النَّاسُ بِمِثْلِ مَا تَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ وَتَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ»
«يَا مُؤَذِّبُ أَتَىكَ النَّاسُ بِمِثْلِ مَا تَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ وَتَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ»
«يَا مُؤَذِّبُ أَتَىكَ النَّاسُ بِمِثْلِ مَا تَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ وَتَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ»
«يَا مُؤَذِّبُ أَتَىكَ النَّاسُ بِمِثْلِ مَا تَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ وَتَكُونُ فِيهِ بِأَنْفُسِهِمْ»

«Сен бездирувчи бўлишни истайсанми, эй Муоз?! Агар одамларга имом бўлсанг, «Ваш-шамси ва зуҳаҳа», «Саббиҳисма роббикал аъла», «Иқроъ бисми роббик», «Вал-лайли иза ягша»ларни ўқигин. Чунки, сенинг ортингда ёши улуг ҳам, заиф ҳам, ҳожатманд ҳам намоз ўқийди», дедилар.

Бухорий «Жузъул-қироа»да, Абу Довуд

Бухорий, Муслим, Насоий ривоятлари

Муслим, Абу Авона ривоятлари

Бухорий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Аҳмад, Сирож

Аҳмад ривояти. Бошқа ҳадис Ибн Абу Довуд ривояти. Бу каби



Ислом Нури

ҳадислардан ёш болаларни масжидга киритиш жоиз экани маълум бўлади. Аммо, тилларда юрадиган: «Ёш болаларингизни масжидларингиздан четлатингиз» ҳадиси заиф ва ҳужжатга яроқсиздир. Уни заиф санаганлар ичида Ибн Жавзий, Мунзирий, Ҳайсамий, Ибн Ҳажар Асқалоний ва Бувсирийлар бор

Бухорий, Муслим ривоятлари

Ибн Аби Шайба, Аҳмад, Абдулғаний ал-Мақдисий

Ибн Наср ва Таҳовий

Аҳмад, Абу Яъло ривоятлари

Бухорий, Термизий ривоятлари

«Муфассал» – саҳиҳ сўзга кўра, «Қоф» сурасидан бошлаб Қуръоннинг охиригачадир. «Ўхшашлар»дан мурод – насихат, ҳукм ё қиссалар жиҳатидан маънолари бир-бирига яқин суралардир.

Бухорий, Муслим ривоятлари

Муслим, Таҳовий ривоятлари

Абу Довуд, Байҳақий ривоятлари

Дандана – пичирлашдан кўра баландроқ, лекин англаб бўлмас оҳангда сўзлаш ёки умуман тушунарсиз сўзлаш

Ибн Хузайма, Байҳақий, Абу Довуд ривоятлари



Ислом Нури

Бухорий, ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим , Абу Довуд ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Абу Довуд, Термизий ривоятлари

Насоий, Термизий, Байҳақий ривоятлари

Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари

Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари

Насоий, Аҳмад ривоятлари

Аҳмад, Ибн Хузайма ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Муслим ва Термизий ривоятлари

Муслим, Абу Довуд ривоятлари

Абу Довуд, Байҳақий ривоятлари

Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ибн Аби Шайба ривоятлари

Абу Довуд, Аҳмад ривоятлари



Ислом Нури

Бухорий, Муслим ривоятлари

Аҳмад ривояти

Мусо ва Ҳоруннинг зикри 45-оятда, Ийсонинг зикри эса 50-оятда келган

Бухорий, Муслим ривоятлари

Аҳмад, Абу Яъло, Мақдисий ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

«Бақара» сураси, 136-оят

«Оли Имрон» сураси, 64-оят

Муслим, Ибн Хузайма, Ҳоким ривоятлари

«Оли Имрон» сураси, 52-оят

Муслим, Абу Довуд ривоятлари

Муслим, Абу Довуд ривоятлари

Таҳовий, Ибн Ҳиббон, Ибн Бишрон ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари



Ислом Нури

Бухорий «Жузъул-қироа»да, Муслим ривоятлари

Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари

Аҳмад ва Муслим ривоятлари

Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма ривоятлари

Ибн Хузайма ривояти

Бухорий, Абу Довуд ривоятлари

Аҳмад ва Муслим ривоятлари. Ушбу ҳадисда охирги икки ракъатда «Фотиҳа»дан кейин бирор нарса зиёда қилиш суннат эканига далил бор. Саҳобалардан бир жамоат, жумладан Абу Бакр розияллоҳу анҳу шу фикрда бўлганлар. Мутааххир уламоларимиздан Абул Ҳасанот ал-Лакнавий буни қўлаб, «Ат-таълийқул-мумажжад ала Муваттои Муҳаммад» китобида айтади: «Баъзи асҳобларимиз кейинги икки ракъатда бирор сура ўқишга саждаи саҳвни вожиб санаб ғалати иш қилганлар. «Муня» шориҳлари Иброҳим ал-Ҳалабий ва Ибн Амир Ҳож ва бошқалар бунга жуда чиройли раддия берганлар. Шубҳасиз, бу сўзни айтган кишиларга ҳадис етиб бормаган, агар етганида бундай фатво беришмаган бўларди»

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Ибн Хузайма, Аз-Зиёул-Мақдисий ривоятлари

Бухорий «Жузъул-қироа»да, Термизий ривоятлари



Ислом Нури

Муслим, Таёлисий ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари

Аҳмад, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Насоий, Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган

Таёлисий, Аҳмад ривоятлари

«Муҳаммад» сураси, 34-оят

Ибн Хузайма, Табароний, Мақдисий ривоятлари

Бухорий, Муслим ривоятлари

Бухорий, Абу Довуд, Ибн Хузайма, Аҳмад ривоятлари

Табароний ривояти

Аҳмад, Мақдисий, Насоий, Ибн Наср, Табароний ривоятлари

Аҳмад ва Термизий ривоятлари



Ислом Нури

Бухорий, Муслим, Насоий ривоятлари

Бухорий, Муслим, Насоий ривоятлари

Бухорий, Муслим, Насоий ривоятлари.